



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 17 ноябрь, № 228 (4381)

Шанба

## АВТОМОБИЛСОЗЛИК — ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 16 ноябрь куни Оқсаройда Япониянинг «Isuzu Motors» компанияси раиси Ида Ёшинори раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди



— Ўзбекистон Япония билан ривожланиб бораётган иқтисодий ҳамкорликни юксак қадрлайди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Жумладан, сизнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишларнинг мамлакатларимизнинг иқтисодий муносабатларини ривожлантиришига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Япония билан иқтисодий алоқаларимиз жадал ривожланмоқда. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик

тўғрисидаги қўшма баёнот ўзаро ҳамкорлик алоқаларини стратегик шериклик даражасига кўтариш учун ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Япония давлатимиз мустақиллигининг илк йилларидан Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаб келади. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга ошириляпти. Ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён Япония Ўзбекистонга қарий 2 миллиард АҚШ доллари миқдорда сармоя киритган. Юртимизда япониялик шериклар

билан ҳамкорликда тузилган тўққизта қўшма корхона фаолият кўрсатаётди. Ушбу мамлакатнинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO), шунингдек, «Mitsui», «Mitsubishi», «Sumitomo», «Marubeni», «Itochu», «Toyota Tsusho», «Kintetsu Eurasia Express», «Sojitz» каби йиғирмадан зиёд йирик корпорациясининг ваколатхонаси очилган. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталари Япониянинг юқори технологиялари ва сармоясидан, мамлакатимизда хорижий сармоядорлар

бизнес юриши учун яратилган қўлай сармоявий муҳитдан самарали фойдаланиш масалалари билан шуғулланмоқда. Самарқанд автомобиль заводида «Isuzu» русумли автобуслар, юк, чиқинди ташин машиналари, кўтарма кранлар ишлаб чиқарилаётгани ҳамкорликнинг яна бир амалий самараси бўлиб, иқтисодий муносабатлар қўлай кенгайиб бораётганидан далолатдир. Автомобилсозлик ҳамкорлигининг муҳим бўлишига асос бўлган. Оқсаройдаги учрашувда Ида Ёшинори самийий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва

«Isuzu Motors» компанияси Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш тарафлари эканини таъкидлади. Сўхбат чоғида «Isuzu Motors» билан ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари, Ўзбекистон корхоналари билан ушбу компания ўртасидаги техникавий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)  
Абдувоҳид Тўраев  
олган суратлар.

### Олий Мажлис Конунчилик палатасида

Олий Мажлис Конунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳаси ва «Солиқ кодексини амалга киритиш тўғрисида»-ги конун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди.

### Янги қонун лойиҳаларига бағишланди

Мақур қўмита раиси А. Аҳадов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар вакиллари, манфаатдор вазирликлар, идоралар, қўмиталар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ишбилармонлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Ийгилишда таъкидланганидек, Олий Мажлис Конунчилик палатасининг шу йил 9 ноябрда ўтган ялпи мажлисида Солиқ кодекси лойиҳасининг концепцияси маъқуланиб, биринчи ўқишда қабул қилинди.

Солиқ кодекси лойиҳаси солиқ солиш масалаларини тартибга солуви барча меъёр ва қондаларни такомиллаштириш ва тизимлаштириш орқали ишлаб чиқилган ҳамда тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатдир.

Таклиф этилаётган лойиҳа амалиётда сигналган таъминотларга, солиққа тортиш ёндашувларига, бошқа давлатларнинг илгор тажрибасидан фойдаланишга асосланган бўлиб, унда назарда тутилган меъёр ва қондалар мамлакатимиз иқтисодийнинг келгуси ривожига солиқларнинг рағбатлантирувчи ролининг ошишига хизмат қилади.

Солиқ кодекси лойиҳаси республикамиз ҳудудда амал қилаётган барча солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилаш орқали солиқ муносабатларида ягона қонунчилик базасини яратиш ва бунинг асосида солиқ тизимини барқарорлиги ва очкилигини таъминлаш имконини бериши қайд этилди.

Лойиҳа ҳужжали юритувчи субъектларга солиқ юқини камайтириш, қонуний равишда солиққа тортишдан буйин товланишнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорликни, айниқса, кичик бизнес субъектларининг ишини фойдаллаштириш учун қўлай имконият яратиши, амалиётда бетараф, адолатли ва ошқораликка қаратилганлиги билан ҳам эътиборга моликлиги алоҳида таъкидланди.

Ийгилишда Солиқ кодекси лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(Ў.А.)

## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисини 2007 йил 30 ноябрь куни Тошкент шаҳрида қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджетини ҳамда «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганини ўз қўшимчалари билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Табийий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар

ми тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Саноат, газ таъминоти ва қон назорати соҳасидаги бошқарув такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисида»ги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Табийий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар

киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритиш мулоҳазалари.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Кенгаш Олий Мажлиси юқори палатаси қўмиталари ҳамда Девонининг ўн иккинчи ялпи мажлисига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш вазифасини Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф. Муҳитдинова зиммасига юкледи.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотларнинг оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Япониянинг «Isuzu Motors» компанияси раиси Ида Ёшинори ва «Itochu» корпорациясининг машинасозлик бўйича президенти Фурута Таканобу раҳбарлигидаги делегация аъзолари 16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Рустам Азимов ва Қувондиқ Санакўлов билан учрашди.

### ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Мулоқот чоғида Самарқанд автомобиль заводи («СамАвто») билан «Isuzu Motors» компанияси ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликда жўхон ағдозларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, икки томонлама манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳамоллигида барча соҳалар сингари автомобиль саноатида ҳам олиб борилаётган илчи ислохотлар ўз самараларини бермоқда. Бунинг кунда Ўзбекистоннинг автомобиль саноати энг илгор технологиялар билан жиҳозланган қатор корхоналарини ўз ичига олади. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар қўлайлиги, замон талабларига мослиги боис жуда хариддорли.

«Isuzu Motors» компанияси автобуслар, юк машиналари ва дизель двигателлари ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг йирик корхоналардан. У ўз маҳсулотларини бир юз ўттиздан зиёд мамлакатга етказиб беради. «Itochu» корпорация-

(Давони 2-бетда).

### Эртага Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганига 16 йил тўлади



### Миллий ифтихоримиз рамзи

Давлатчилигимиз тарихининг қайси даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамisha азиз ва муқаддас саналган. Барча замонларда ҳам булар шунчаки мамлакат сибатининг амалга оширишининг бир воситаси бўлибгина қолмай, балки жуда катта ижтимоий-маънавий аҳамият касб этган.

(Давони 2-бетда).

## 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломовнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳудудий бўлимлари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувдан қўзланган мақсад иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясининг бориши ва унинг доирасида Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга ошириляётган ишлар хусусида батафсил маълумот беришдан иборат эди.

Учрашувда ноёб ўзини ўзи бошқариш институти бўлиши маҳалланинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, мамлакатни демократик янгилашга қаратилган ис-

лохотларни чуқурлаштириш жараёнида, «кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» таъминлини амалга оширишда муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўта муҳим воқеа — Президент сайлови кампанияси-

га тайёргарлик қилиш жараёнида фойдаланиш учун муҳим эҳтишам.

Бугунги кунда мамлакатимизда 10 мингта яқин фуқаролар йиғини мавжуд. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таркибига киритилган. Сайлов участкаларининг аксарияти маҳаллаларнинг энг яхши биналари, гузарларида жойлашган бўлиб, улар барча

зарур техника воситалари ва Ўзбекистон сайлов қўнунчилигида оид адабиётлар билан таъминланган. Маҳаллалар фаоллари сайлов кампаниясининг очик, ошқора, сайлов қонунчилигига тўла амал қилган ҳолда ўтишини таъминлаш борасида кўп иш қилмоқда. Марказий сайлов комиссияси раиси учрашув қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргар-

лик қилиш ҳамда уни ўтказиш бўйича махсус ишлаб чиқилган календар режа ва дастур асосида Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилаётган тадбирлар билан батафсил таъиништирди. Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолияти миллий сайлов қўнунчилигига тўлиқ мос келиши ҳамда

(Давони 2-бетда).





Тажриба

Бу йил Андижон вилоятида пахтадан мўлжалдагидан кўп ҳосил етиштирилди. Бунда тирик мавжуднинг ризқ-насибасига чанг солиб келаётган зараркундалар, ҳашаротларга қирон келтирувчи мўъжизалар яратишга интилиб, бу борада муайян ютуқларга эришишга улгурган замондошларимиздан бири — балиқчилик тадбиркор Абдурасул Солиевнинг ҳам айрича ҳиссаси бор.

«Олтин кўз»:

ҲАМ АРЗОН, ҲАМ ФОЙДАЛИ

— Табиат шундай мукамал яратилганки, унга заррача зиён етса, мувозанат бузилади, — дея мулоҳаза юртади у. — Натижада айрим муаммолар пайдо бўлади. Масалан, бир пайлар экин зараркундаларига қарши кимёвий дориларга ружу қўйилганлиги мана энди билинаёпти: уларга қўшилиб фойдали ҳашаротлар ҳам камайиб кетди. Бу кемтикли тўлдириш, мувозанатни тиклаш, ўз навбатида, лаборатория шароитида «Трихограмма», «Габрабракон», «Олтин кўз»ни кўпайтиришни талаб этмоқда. Биологик усулни қўллаш эса бир томондан ишончли ва арзон бўлса, иккинчидан, атроф-муҳитнинг мусофоллигини таъминлашда ўзига хос ўрин тутади.

қилшоғида биологлар ташкил этган, Мирзохид Матқаримов, Авазбек Халилов, Зокиржон Қамбаров сингари ҳамқишлоқларини қанотига олди. Уч литрлик шиша идишга нари борса икки грамм микродорида «Трихограмма» жой олишини ҳисобга олиб, ҳаммаслар ана шу фойдали ҳашаротнинг ўзидан 49 520 граммини тайёрлади. Уч миллион етти юз минг дондан ортқ «Габрабракон» ҳам фермерларга етказиб берилди. Бу билан деҳқонларнинг ташвиши бироз бўлса-да арди. Заҳарли химикатлар учун сарфланаётган қанчадан-қанча маблағ тежалла бошланди. Шу ўринда, келинг, яхши фермер Олимжон Мирзақаримовнинг сўзларига қўлак тўтайлик:

Оқибати маълум: «тиш» ёришга келган кўсақ очилишдан тўхтади. Демак, ҳосил ўз-ўзидан бой берилди. Шу боис, нима қилиб бўлсам, ҳосилни сақлаб қолиш ташвишига тушдим. Бир миллион сўм эвазига қуртларни кўлда тердириб олдим.

Абдурасул Солиев етакчилиги қўлаётган Балиқчи туманидаги «Олтин кўз» биофабрикаси — вилоятдаги 164 та биофабрикадан бири. У тадбиркорликка қўл уриб, кам бўлгани йўқ. Бўстон

— Утган йили 5,5 гектар ерда ғўза ўстирдим. Ёзда экинимга кўсақ қурти деган офат ёпишди. У шундай бало эканки, кўсақнинг бу томонидан тешиб, нариги томонидан чиқади денг.

— Биз бундан ҳам юқори натижаларга эришган бўлардик, — дейди Абдурасул Солиев. — Бироқ шу йил 29 март кўни «Балиқчигуманга» идораси ходимлари бизларни оғохлантирмасдан, газ беришни тўхтатиб қўйди. Оқибатда

хоналар совиб, арпа донидаги личинкаларнинг бир қисми нобуд бўлди. Тўғри, «Водийгазтаъминот» унитар корхонасининг вилоят филиали раҳбарлари масъулиятсизлик ва уқувсизлик натижасида хатого йўл қўйганларни жазолади. Лекин келтирилган моддий зарар, бой берилган вақтни тиклаб бўлармикан?

Сухбатдошимизнинг айтишича, жорий йилда вилоятда деҳқончиликда эришилган ютуқлар келгуси йилда ҳам муваффақиятларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Фермерлик ҳаракати кенг йўл очилгач, ҳар бир дала ўз эгасига эга бўлди. Лекин фермерларнинг бир қисми ўсимликларни ҳимоя қилиш, зараркундаларга қарши курашиш масаласида муайян тажрибага эга эмас. Уларга бу борада тушунтириш ишлари олиб бориш мақсада мувофиқ, Бундан ташқари, аҳоли томоқсизидан парваришланаётган экинларнинг тақдирини ҳам эътиборда бўлмоғи лозим. Кимёвий дорилар ҳовли-томорқаларга кириб бормаслиги керак. Шундай экан, биомаҳсулот микдори, тури қанча кўп бўлса, фойдаси ўшанча. Ахир, бир гектар майдондаги ҳашаротни йўқ қилиш учун 45-50 минг сўмлик заҳарли препаратни ишлатиш қайда-ю, нари борса 2,5-3 минг сўмлик биомаҳсулотдан фойдаланишнинг нафи қанча!

Туман ҳокимлиги масаланинг шу жиҳатларини эътиборга олиб, тадбиркор Абдурасул Солиевга Ҳўжаобод қилшоғидаги эски автогараж ҳудудида ҳам биофабрика ташкил этиш, фойдаланилмай турган 0,40 гектар ер майдонини унга ажратиб бериш ҳақида қарор қабул қилди. Энди биофабриканинг иши янада юришиб кетиши, самараси бундан да салмоқли бўлиши турган гап.

Одиджон ШОДНОЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.


КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобикли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилгани ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қондалари» қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташиқлотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қондаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.



КАБЕЛ

Куйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказиши, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тuting! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташиқлотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти тугилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисига кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

«Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали: Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, қом-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш. КУ-1 Тўйгепа ш. КУ-1 ф-л Ангрен ЛКЦ Бекобод	50-36-79, 380-40-35, 21-306, 21-121, 186-57-51, 2-27-61, 186-57-51, 2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили: Тошкент ш., А.Ҳўжаев к., 29-уй. КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипақ йўли» к., 264-уй. КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй. КУ-3 Тўйгепа ш.	135-36-59, 65-80-43, 168-72-86, 168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Қўқон ш., «Истиқлол» к., 58-уй. КУ-2 Бешариқ тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй. КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора. КУ-4 Андижон ш., Чулпон к., 9-уй. КУ-5 Янгийўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	55-2-24-71, 61-2-23-66, 25-08-82, 22-23-81, 52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик кўр. КУ Сирдарё ш. КУ Жиззах ш. ЛКЦ-2 Янгийўрғон ш.	27-16-20, 57-28-98, 57-34-36, 77-05-27, 6-22-07, 72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунгур ш., «Самарқанд» к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., «Ашқобод» к., 1-уй. КУ Туртқул ш. КУ Беруний ш.	222-37-07, 222-00-43, 532-30-60, ички 1-42, 524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй. ЛКЦ-16 Денов ш.	3-59-07, 7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., «Ҳуснобод» к., 1-уй. ЛКЦ-15 Ғўзор ш.	221-02-41, 55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй. КУ-3 Каттақўрғон ш. КУ-4 Ғиждувон ш.	224-75-21, 45-5-24-54, 57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;
- кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи оғохлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчилик билан қўчириш, синдириш, қўмиб юбориш;
- турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазииш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чинкидилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!

ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ! АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН «Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЭГАЛЛАНГАН ЛАВОЗИМЛАРГА ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1-стоматология кафедраси — профессор.
- 2-Гигиена кафедраси — профессор.
- 3-2-стоматология кафедраси — доцент.
- 4-Врачлик меҳнат экспертиза кафедраси — мудири.
- 5-Клиник лаборатор диагностика кафедраси — 2 та ассистент.
- 6-Ўсмирлар, чақирув ёшдагилар касалликлари курси — доцент.
- 7-Шошлинч тиббий ёрдам кафедраси — профессор.
- 8-Анестезиология ва реаниматология кафедраси — профессор.
- 9-Болалар асаб касалликлари кафедраси — ассистент.
- 10-Валеология кафедраси — мудири.
- 11-Патанатомия ва суд тиббий экспертиза кафедраси — ассистент.
- 12-Урология ва нефрология кафедраси — доцент.



Телефон: 268-27-54.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 50-уй.

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газсеравис» ЕАЖ ва «Сигнал» ЭАЖнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни тақлиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатиغا эга. Барча қозонлар учун қафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:

1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, sanoat моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесиган жойда (Мўлжал: Шастри хайкали, эски хайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»!

Ҳурматли ҳамюртлар! Маълумки, қиш фасли бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларининг бир мунча ортиб бориши билан ёнғин хавфининг ҳам кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 ноябрь кундаги 543-ф сонли фармойишига асосан бундай ҳолатнинг олдини олиш учун республикада 15 декабрдан 15 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Фармойишда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган, асосий мақсад, «халқ ҳўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кўчатириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қондаларини кенг тарғиб этиш», деб белгиланган.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймики, бу даврда ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиб, сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни аёнлидан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Тошкент шаҳар ҳокимияти молия Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари С. С. Насретдиновга онаси Дилбар Хидоевна НАСРЕТДИНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат авиация институти меҳнат жамоаси «Олий математика ва информатика» кафедраси профессори Фахриддин Бадалович БАДАЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

очик аукцион савдоларига тақлиф этади

Республика Кўчмас мулк биржаси Наманган вилоти филиали томонидан бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

Судлар Департаменти Наманган вилоти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган. Жиноят ишлари бўйича Янгийўрғон туман судининг 2007 йил 29 августдаги 1-108-сонли ижро варақасига асосан Наманган вилоти Чортоқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган фуқарога тегишли «RENAULT V11 GWA 560» русумли, давлат белгиси 16 R 46 03 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолатдаги, Чортоқ тумани ИИБ ИХХБда сақланаётган автотранспорт ва унга бириктирилган музлатгич прицепи. Бошлангич баҳоси — 70 000 000 сўм.

Ушбу автотранспорт воситаси билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари 2007 йил 18, 20, 22, 25 декабрь кунлари соат 11.00 да ушбу мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Ушбу автотранспорт воситаси бўйича «Наманган ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 14 ноябрдаги 92 (18360)-сонда баҳарнома чоп этилган.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ТАҚРОРИЙ

очик аукцион савдоларига тақлиф этади

Республика Кўчмас мулк биржаси Наманган вилоти филиали томонидан 2007 йил 4, 11 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган тақрорий очик аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

Судлар департаменти Наманган вилоти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган. Наманган вилоти ҳўжалик судининг бир неча ижро ҳўжатларига асосан Наманган вилоти, Наманган шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган «Наманган шаҳар 503-ХМКК» га қарашли Наманган шаҳар, Поликовская кўчасида жойлашган маъмурий бино ва асосий воситалари мужассам ҳўлда. Бошлангич баҳоси — 64 031 202 сўм.

Ушбу кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қаватда жойлашган РКМБ Наманган вилоти филиали биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳўлда РКМБ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» Наманган бўлимидаги МФО 00223, ИНН 200933850, 2021000600571452072 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳўжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Наманган шаҳар, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефонлар: 226-54-47, 226-27-01, 223-08-90. Интернетдаги сайтими: www.rkmb-uz

РОССИЯ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ

28 ноябрдан 1 декабргача «Ўзэкспомарказ» МКК

РОССИЯ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ

28 ноябрдан 1 декабргача «Ўзэкспомарказ» МКК

РОССИЯ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ

28 ноябрдан 1 декабргача «Ўзэкспомарказ» МКК

# НОДИРАНИНГ КЎНГИЛ БАЁНИ

**Шахмат — Нодиранинг ижоди, кўнгили баёни, дил ихлоси. Шоир ўз туйғуларини оқ қоғозларда ифодаласа, Нодира шахмат тахталарига ёзади. Қолаверса, шахмат қизалоқнинг ҳайрати, беором турлари...**

Нодира бу туйғуни ҳис қилганда саккиз ёшли жамалак сочили қизча эди. Унинг шахмат тахтаси ёнида соатлаб ўтириши, долларни дадил суриши онаси — ўқитувчи Назирахон Нодиржоновани ҳам қувонтирган, ҳам ўйга чўлдирган. Отаси Абдураҳмон Нодиржонов ҳам қизчасининг ўйинларига завқ билан боқар экан, ўзини тугалмай хайқириб юборарди. Чунки уларнинг жажжи қизалоғи Чироқчи-ю Қашқадарёнинг манаман деган шахмат усталарини бир ўйиндаёқ доғда қолдирарди-да.

1999 йилнинг ёзи. Самарқанднинг сўлим гушларидан бирида ўн ёшгача бўлган болалар ўртасида Ўзбекистон чемпионати давом этарди. Тошкентдан келган мураббийлар эътибори катта шахарлардан келган «давогарларга қаратилган. Қашқадарёнинг чекка — Чироқчи туманидан келган саккиз ёшли қизалоқнинг чемпиони бўлишини ҳеч ким ўйламаган ҳам эди. Чироқчилик содагина қизча

таникли шахматчиларни бирин-кетин доғда қолдира бошлади ва охири-охирида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Шундан сўнг, ўша йилнинг ноябрь ойида Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтказилган болалар ўртасида жаҳон биринчилигида қатнашди. Тезкор ўйинда 3-ўрин соҳиб, «Энг ёш иқтидорли шахматчи» номинацияси ғолиби бўлди. Хорижда юрганда Ўзбекистонни жуда соячди. Самолётдан тушганда Тошкентнинг гузал кўчалари, одамлар, дов-даҳлатлар кўзига бошқача кўринди. Юрганида Ватанга муҳаббат туйғулари яна ҳам жўш урди. Эришган натижалари тўғрисида қувона-қувона Юртбошимизга мактуб йўллади. Орадан кўп ўтмай Нодира Президентимизнинг совғаси ва табриқномасини олди.

2000 йилда Нодира аввалги муваффақиятини яна такрорла-

ди. Тошкентда ўтказилган шахмат мусобақаларида 12 ёшгача бўлган болалар ўртасида мамлакат чемпионлигини қўлга киритиб, Испанияда ташкил этилган жаҳон чемпионатида иккинчи бор қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Қувончли томони шундаки, Барселонада у ўтган

## Ибрат

Йилдагидан яхшироқ натижани қўлга киритди — фахрли 2-ўринни олди. Испаниянинг гузал манзаралари, денгиз киркоқлари бўйлаб отаси иккови бир-бир босиб ўтган қўлқоқлар тўққуз яшар қизалоқнинг хотираларида умрбод муҳрланиб қолган.

Абдураҳмон ака хонадонининг чироғи тунлари ўймайди. Нодира тунда шахмат сипоҳларини қўлида тутганча ўз шон-шухрати — шохини муҳрфоза қилади, бирин-кетин гоҳ отини, гоҳ тўрасини жангга солади. Рақиб эса ота-

си — дунёдаги энг азиз киши-си, мураббийи Абдураҳмон Нодиржонов. Нодира бу одам оёғига ҳар лаҳзада тиз чўкишга, қўлини қўқмага қўйиб таслим бўлишга тайёр. Лекин шахмат бунни қўтармайди. Қолаверса, отаси ҳам бунга йўл қўймайди:

— Нодира, қизим, бўшашма, чалғима, дадил бўл. Бундай ҳолатда Таль, Ботвинник қандай юрарди, мулоҳаза қил, — дейди қатъий.

Мулоҳаза, мулоҳаза... Бетпеям ўйлар. Булар шахматнинг жони. Буларни Нодира отасидан ўрганган. У отасидан фидоийликни ҳам ўрганган. Отаси Москвадаги Геология-қидирув институтида ўқиган. Тошкентда нодир ишю-отлар бўйича муваффақиятларга эришган. Тошкентда нодир ишю-отлар неча йиллар ишлаган. Қизлар, Дилсўз ва Нодиранинг шахматдаги иқтидорини кўриб, ўйлаб

ҳам ўтирмасдан сеvimли ишини ташлаб, мураббийликни танлаган. 1999 йилда Нодиранинг жаҳон мусобақаларига чиққанлиги Абдураҳмон акани шахмат мураббий-си сифатида тавтиди. Унинг агрофига ёшлар тўпланди. Шу тариқа, янги мактаб — Чироқчи шахмат мактаби яратилди.


— Энг яхши ўйинларингиз кимлар билан бўлган? — сўраймиз Нодирадан.

— Ўтган йили Бишкек шаҳрида Осиё чемпионатида хиндистонлик Лахман, қозғистонлик Ольга Данилюк, вьетнамлик Ван Ти Рам сингари қизлар билан дона сурдим. Улар тахрибали шахматчилар. Лекин мен ҳам бўш келмадим. Мак-

садим — ўзбек хотин-қизлари орасида гроссмейстер, жаҳон чемпиони бўлиш.

Хавас, иштиёқ, интилиш — камолотнинг йўли. Нодира кимларгадир хавас қилиб ашшган, шахмат сирларини ўрганаётган бўлса, унга хавас қилаётганлар ҳам кўп. Ушлардан бири ўқаси Ахрор Нодиржонов. Ахрор 2001 йил 8 ёшида Ўзбекистон чемпи-онлигини қўлга киритди. Шу йили Хиндистонда ўтган жаҳон бирин-чилигида қатнашиб, «Энг ёш иқтидорли шахматчи» номини олишга мушарраф бўлди. Нодиржоновлар хонадонига ҳамма хавас билан қарайди. Ахир икки нафар Ўзбекистон чемпиони, 2 нафар олий тоифали шахмат мураббийи яшаётган хонадонга хавас қилмай бўладими?!

Абдулла БОБОЁРОВ.



Ким ғолиб? Сурат-лоқа.

## Тўрттаининг бири — Руслан

Профессионал боксинг «дунё юзини кўрганга» қарий бир асрга яқинлашиб қолди. Бу орада спортнинг мазкур тури бўйича не-не чемпио-нлар етишиб чиқмади, дейсиз.



Рокки Марчиано, Мухаммад Али, Майк Тайсон сингари чарм қўлқоп усталари аллақачон афсонага айланиб улгуришган. Бирок, шуни қизикти, ана шу номдор боксчилар орасида ҳам хаваскорлик бокси, ҳам профессионал рингда жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўла олган «Кирол»лар атғи... тўртта экан. Булар — америкалик чарм қўлқоп усталари Майкл Мурер, Корри Сандерс ва Крис Бёрд. Тўртинчиси эса бизнинг ҳамюртимиз Руслан Чагаевдир.

# СПОРТНИНГ ОЛАМИ

Профессионал бокс оламида машурликда ҳар қандай боксчини ортда қолдирадиган бир одам бор. Уни барча бокс мухлислари яхши билишади. Чунки ҳеч бир бокс мусобақаси усиз ўтмайди. Унинг исми-шарифи Дон Кинг.



«Олтин лига» мусобақаларидан бири «Weltklasse Zurich» ташкилотчилари лангарчўлда сакраш беллашуварлари ўтадиган стадион ўриндиқларини кўпайтиришга қарор қилишди.

«Олтин лига»нинг бу йилги дастурига аёллар ўртасида лангарчўлда сакраш мусобақалари киритилмагани, — дейди «Weltklasse»

Zurich'ning маркетинг бўйича директори Кристоф Йохс. — Аммо кўп сонли ишқибозлар россиялик таниқли спортчи, Европа ва жаҳон чемпиони, Олимпиада ўйинлари ғолиби ҳамда кўп қарра жаҳон рекордчиси Елена Исинбоевани таклиф этиш бўйича бизга мурожаат қилишди. Ишқибозлар талабини инобатда олдик ва шу билан биргаликда айнан лангарчўлда сакраш бахслари ўтадиган жойни 20-30 метрга кенгайтиришга қарор қилдик. Умид қиламизки, Еленанинг қатнашиши мусобақа нуфузининг янада ошишига хизмат қилади.

## Найрангбоз

Доннинг болалиги Кливлент шаҳарчасида ўтган. У ёшлигидан жанжалкаш, найрангбоз, теканага тегадиган, тегмаганга тош отадиган болакай эди. Катта бўлганда ҳам шу одатини ташламади.

1967 йили у бир одамни ўлғунча савалайди ва бу жинояти учун 4 йилга қамалади. Нега у бунчалик осуд мударта қамалганига ҳамма хайрон. Балки бунга ҳам унинг найрангбозлиги сабаб бўлгандир. Ҳарқалай, Донни судда одам ўлдирган жиноятчи эмас, балки ўзини ҳимоя қилаётганда эҳтибсизликка йўл қўйган жабрдийда деб топилди.

Қамқдан қайтган, у профессионал боксчилар ўртасида мусобақалар ўтказишга киришди. Бунга унинг Кассиус Клей — Мухаммад Али билан танишлиги катта ёрдам берди. У 1974 йили Али ва ўша пайтдаги машҳур боксчи Жорж Форман ўртасида жанг ўтказишга эришди. Бу жанг учун боксчиларга ўша пайтда катта пул ҳисобланган — 5 миллион доллар муқофот белгиланди.

Шу учрашувдан сўнг Дон Кинг машҳур промоутерга айланди. У жанглири ташкил этар, боксчиларга катта муқофотлар ваъда қилар, лекин найрангбозлик қилиб, охири-охирида пулнинг кўп қисмини ўзи ўлаштириб олар эди.

Мухаммад Али ёши ўтиб, кучсизланиб қолганда Дон уни ёш Ларри Холмас билан жанг ўтказишга кўндирди. Унга катта пул ваъда қилди. Жанг натижасида Али жароҳат оlib, касалхонага тушди. Дон эса 2 миллион долларли бўлди. Энг қизиғи, бу пулнинг беш-йўзи 50 минг долларли Мухаммад Алига тегди, холос.

1990 йилларнинг ўрталарида Тайсон 5 та

жанти учун 140 миллион доллар муқофот олади. Уни газеталар дунёнинг энг бой спортчиси деб ёза бошлади. Худди шу пайтда, у бир аёлни зўрлашда айбланиб қамалади. Қамоққа тушган, Майк адвокатларидан ҳисобида қанча пули борлигини аниқлашларини илтимос қилади. Қарангки, боксчи 20 миллион қарздор бўлиб чиқди. Чемпионнинг пулини турли найранглар билан Дон Кинг ўлаштириб олган экан.

Дон боксчилар учун пул тикишни яхши кўради. Ўзи пул тиккан боксчи ғолиб чиқиши учун ҳар қандай пасткашлик қилишга тайёр. 2004 йилда Владимир Кличко ҳали унча танилиб улгурмаган Лаймон Брюстер билан жанг ўтказди. Ўйиннинг тўртинчи раундида Кличко ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Кейин эса рақибининг унча кучли бўлмаган зарбасидан ноқуфта учрайди.

Эртаси кун эса Кличко захарлангани ҳақида гаплар тарқалади. Калифорния университети биохимиклари боксчининг қондан одамни тезда толиқтирадиган халдод моддасини топилди. Мутахассислар Кличконинг захарланшида Доннинг қўли бор, деган хулосага келдилар. Чунки, ўйин арафасида, у Брюстер учун каттагина маблағ тиккан эди.

Дон промоутерлик фаолияти давомида 500 дан кўпроқ жанглар ташкил этди. Унинг бу муваффақияти Гиннес рекордлар китобига киритилган. «Спорт иллюстрийтед» журнали ўтказган сўровномада Дон Кинг сўнгги 40 йилги спортдаги 40 та энг обрўли кишилар рўйхатидан жой олди.

Дон Кингни кўп-қўп жанжалкаш, найрангбоз деб атайдил. Уни татто газеталарда ҳам шундай деб ёзишган. Дон бу гапларга парво қилмайди. «Сени ёмонлаб ёзишса ҳам ҳаф бўлма, бу ҳол сенинг машҳур бўлишиңга хизмат қилади», дейди у. Унинг ҳаёт фалсафаси шундай.

Б. УММАТОВ.

## ШОИРАГА ХАВАС ҚИЛГАН БОКСЧИ

— Ёшлигимда, аввал қарат, кейин кикбоксинг билан шуғулланганман, — дейди боксчи. — Чак Норрис, Ван Дамларга хавас қилардим. Улардек спортчи бўлишни истардим. Кикбоксинг бўйича уч марта Россия чемпиони бўлганман. Кейинчалик эса боксга қизиқишми ортди. Спортнинг шу тури билан мунтазам шуғуллана бошладим.

Зулфия Кудусова 1997 йили биринчи марта профессионал рингга чиқди. У америкалик эгизак боксчиларнинг бири Дора Веберга қарши жангда мағлубиятга учрайди. Кейинги гал

эса унинг шериги Кора Веберни енгиб, профессионал аёл боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритади. Йиллар давомида у кўп бора ўз унвонини ҳимоя қилди.

Зулфия билан суҳбатлашган муҳбир: «Исмингиз жуда шоирона. Сизнинг отингизни ашитган одам ё шоира, ё балерина деб ўйлайди. Сир бўлмаса айтинг-чи, Сизга бу чиройли исмини ким қўйган?» дея сўраганда, боксчи шундай жавоб беради:

— Шерият мухлислари ўзбек шоираси Зулфия Исроиловани жуда яхши билишади. У 1915 йилда таваллуд топган. Мен шоирани «Орагимга яқин кишилар», «Орақка йўл», «Учрашув» каби китобларини севиб ўқиганман. Ота-онам шу шоирага хавас қилиб отимни Зулфия қўйишган. Мен ўз исмим билан фахрланаман. Ва доимо бу номга доғ туширмасликка ҳаракат қиламан.

Б. ЭГАМКУЛОВ.

## Мариянинг Дубайдаги «дастхати»

Теннис оламининг юлдузларидан бири россиялик Мария Шарापова Дубайда (БАА) қурилатган «Машҳурлик девори» шаҳарчасида биринчи бўлиб кўлининг изини қолдирди. Теннисчи бу ердаги қурилиш лойиҳаси очилишида фахрий меҳмон сифатида иштирок этди.

«Машҳурлик девори» шаҳарчаси Дубайнинг марказий туманларидан бирида бунёд этилмоқда. Унинг негизида IMG ва Мария Шарапова ўқиган Ника Боллетьерий теннис академияларининг филиалларини очиб ҳам режалаштирилмоқда, деб хабар беради «Галф Ньюс» газетаси.

З. ЖОНИБЕКОВ.

## «Ўзга сайёралик» «Снайпер»

Жумладан, Бразилия терма жамоаси ва «Милан» клуби ҳужумчиси Рональдони кўнра қўлга «Суйлок» деб аташди. Италия терма жамоаси аъзоси Филиппо Индзагининг тахаллуси эса «Пилло-гол». Дунёнинг энг кучли футболчиларидан бири, Бразилия терма жамоаси ва Каталониянинг «Барселона» клуби ҳужумчиси Рональдони (кичик Рональдо)ни ҳали Европага келмасдан илгары «Снайпер» дейишарди. Аммо у тез орада жозибдор ўйини ва ажойиб дриблинглари туфайли «Ўзга сайёралик»га айланди. Сени, унинг бу қадар галати «ном»га эга бўлишига ташқи қиёфаси ҳам сабаб, дейиш мумкин. Бирок, бунанганг мисли қўрилмаган лақаблар ҳамма футболчиларга ҳам nasib этавермайди. Масалан, «Динамо» (Киев) ҳужумчиси, ҳамюртимиз Максим Шацхик украинлик фанатлар наздида оддийгина «Макс».

Бошқа машҳур юлдузларнинг норасмий исмлари эса қуйидагича: Жон Терри («Челси» ярим ҳимоячиси) — «Тумор». Пауло Малдини («Милан» аъзоси) — «Химоя қироли». Раул Гонсалес («Реал» ҳужумчиси) — «Раул Мадрид». «Енгилмас Армада». Роберто Карлос (Бразилия терма жамоаси ярим ҳимоячиси) — «Тўп отувчи замбарак». Деку Суза («Барселона» аъзоси) — «Дирижёр». Уэйн Рун («Манчестер Юнайтед» ҳужумчиси) — «Шрек». Олигунар Сольскьер (Сулшер) («Манчестер Юнайтед» аъзоси) — «Қулиб турувчи жаллод». «Кизил иблисларнинг сарқ иблиси», Питер Крауч («Ливерпуль» ҳужумчиси) — «Найнов». «Ўқулвер». Фабьен Бартез (Франция терма жамоаси дарвозабони) — «Тилла бош».

Ҳасан ТОШХҲАЕВ тайёрлади.

Англиялик таниқли футболчи Дэвид Бекхэм реклама бизнесида қатнашишда давом этмоқда. Дунёда энг кўп маош оладиган футболчи яқинда «Жоржи Арmani» моддалар уйи билан 20 миллион фунтлик шартномага имзо чекди.

## Така бўлсин, сўт берсин...

«Daily Mail»нинг хабар қилишича, «Лос-Анжелес Гэлакси» (АҚШ) жамоаси аъзоси Давиднинг сурати туширилган ички кийимлар келаси йилнинг январь ойидан бошлаб, турли журнал ва плакатларда реклама қилина бошлайди.

Футболчи бўлганча, турмуш ўртоғи Виктория билан биргаликда «Adidas», «Pepsi», «Motorola» компанияларидаги реклама шартномаларидан ҳафтасига 500 минг фунт даромад оларди.



Вазни ўта энгил экан

**Халқ сўзи**  
Народное слово

Муассислари: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Баш муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — Ш. Ортаков. Мухебхот — М. Ёдубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.50 Топширилди — 00.55